



ВАШИНГТОН ВА ТОШКЕНТ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ЮКСАК ДАРАЖАГА ЧИҚДИ

Америка ва Канада ОАВлари ҳамда экспертлари
Ўзбекистон ва АҚШ Президентларининг 23 декабрь куни
бўлиб ўтган телефон орқали мулоқоти ҳақида



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 23 декабрь куни АҚШ Президенти Дональд Трамп билан телефон орқали мулоқоти Америка ва Канада оммавий ахборот воситалари, АҚШ эксперт-таҳлил доиралари вакилларининг эътиборини тортди.

Хусусан, етакчи электрон ва босма нашрлар, "The Washington Post", "Investing.com", "Bloomberg", "Reuters", "NewsMax", "The National Desk", "The Times of Central Asia" ахборот агентликлари, Канаданинг "The Canadian Press" ва "CityNews" нашрлари Президент Дональд Трамп Қозоғистон ва

Ўзбекистон етакчиларига келгуси йилда АҚШ шафелигида бўлиб ўтадиган "Катта йиғирматалик" (G20) саммитига таклифнома юборишни маълум қилгани ҳақида ёзган.

Хабарда таъкидланишича, Ўзбекистон ва Қозоғистон "Катта йиғирматалик"ка аъзо эмас, бироқ АҚШ бу республикаларни

таклиф этишга қарор қилган. Чунки "Ҳар икки давлат билан муносабатлар ажойиб" (Дональд Трампнинг ижтимоий тармоқдаги расмий баёнотига ҳавола).

"Дональд Трамп матмурияти юқори технологияли қурилмалар, жумладан, смартфонлар, электромобиллар ва қирувчи самолётлар учун зарур бўлган нодир металларни қидиришни фаоллаштириб, улкан фойдали қазилмалар захираларига эга бўлган ва дунё уранининг тахминан ярмини ишлаб чиқарадиган Марказий Осиёга кўпроқ эътибор қаратмоқда", деб ёзади "The Washington Post".

"Bloomberg" ахборот агентлигининг ёзишича, бундай қарор Вашингтоннинг ўсиб бораётган стратегик манфаатлари ва узок муддатли алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилиши билан боғлиқ.

Американинг "Investing.com" иқтисодий наشري, "Reuters" ва "NewsMax" ахборот агентликларининг хабар беришича, Дональд Трампнинг Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари билан телефон орқали мулоқотлари давом этаётган мижозларда тинчлик ўрнатилиши ҳамда АҚШ ва Марказий Осиёнинг икки йирик давлати ўртасидаги савдо ва ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилган.

▶ Давоми 2-бетда

Президент арчаси



БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИГА ҚУВОНЧ УЛАШУВЧИ БАЙРАМ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида "Президент арчаси" тадбири бўлиб ўтди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ташкил этилган ушбу тантанали тадбирга Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, оилавий болалар уйлари кичиктойлари, алоҳида парваришга муҳтож болалар таклиф этилди.

Турли чироқлар, шарлар, байрамона безатилган арча атрофида янграётган қувонч куй-қўшиқлар дилларга илиқлик бағишлайди. Ёш ижодкорларнинг ранг-тасвир асарлари йиғилганларни бир зум

санъатнинг сеҳрли оламига ошно этади. Бу ерда ҳар бир жисм болалар қалбидagi орзу ва умидни ифода этаётгандек гўё. Алоҳида эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлган бу тадбир ўғил-қизларни

инсонпарварлик ва олижаноблик остида бирлаштирди, меҳр улашди.

▶ Давоми 2-бетда

Таҳлил ва таққос

2025 йил Ўзбекистон учун шунчаки навбатдаги тақвим йили эмас, балки "Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасидаги ислохотларнинг микдордан сифатга ўтиш даври бўлиб тарихда қолмоқда. Ўтаётган йил иқтисодий барқарорликни сақлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва халқаро майдондаги позицияларни мустаҳкамлаш йўлида муҳим синов ва зафарлар йили бўлди.



АНИҚ ВА АДОЛАТЛИ МАҚСАДЛАР ИШОНЧ ҲАМДА МУСТАҲКАМ ИРОДАГА АСОСЛАНАДИ

Жумладан, ташқи геосиёсий тебранишларга қарамай, ушбу йилда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолди. Янги ички маҳсулот ўсиши қарийб 6 фоиз атрофида бўлди. Юртимиз аҳолиси йилга ўртача 700-800 минг кишига кўпайиб бораётган, меҳнат бозорига ҳар йили 500-

600 минг ёш кириб келаётган бир паллада бу катта кўрсаткичдир. Бунча одамни ўқитиш, касб-хунари қилиш, уларга иш топиб бериш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Уларни рўёбга чиқариш учун мунтазам ишлайдиган тизим, кафолатли инвестиция ва инфратузилма керак.

▶ Давоми 3-бетда

ТРАНСПОРТ СОҲАСИ —

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ДРАЙВЕРИ

Йил сарҳисоби

2025 йил мамлакатимиз транспорт комплексини барқарор ривожлантиришга қаратилган таъминлаш ишлари ва стратегик қарорлар даври бўлди. Инфратузилмани модернизациялаш, транспорт хавфсизлигини ошириш, фуқаролар ва бизнес учун қулайликларни таъминлашга асосий эътибор қаратилди. Бу чора-тадбирлар транспортнинг барча асосий турларини қамраб олди. Бунда асосий эътибор миллий лойиҳаларга, ҳаракатланувчи таркибни янгилашга, саноатни бошқариш самарадорлиги ва тақдим этилаётган хизматлар сифатини оширишга имкон берувчи рақамли ечимларни жорий қилишга йўналтирилган.



2025 йил логистика йўлақларини ривожлантириш ва ўзгарувчан ташқи иқтисодий шароитда юртимизнинг транзит салоҳиятини мустаҳкамлаш муҳим фаолият йўналиши бўлди. Параллел равишда бахтсиз ҳодисаларни камайитириш, норма-

тив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва минтақавий тармоқ дастурларини қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Авиация соҳасида йўналишларни субсидиялаш ва аэропорт тармоғини ривожлантириш, йўл соҳасида эса трасса-

ларни стандарт ҳолатга келтириш устувор йўналишлар этиб белгиланди. Интеграцияланган ёндашув саноатнинг барқарорлигини таъминлаш ва кейинги ўсиш учун асос яратиш имконини берди. Транспорт соҳасини ривожлантириш, яъни Ўзбекис-

тонни Марказий Осиёнинг логистика марказига айлантириш улкан стратегиянинг бир қисми ҳисобланади.

▶ Давоми 4-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТ ҲАБИГА АЙЛАНМОҚДА

5

Қатқадарёнинг ЮКСАЛАЁТГАН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ

6

Муносабат

Жорий йил 23 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ўртасида бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот икки давлат муносабатларида изчиллик ва барқарорлик мустаҳкам ўрин олганини яна бир бор тасдиқлади. Ушбу мулоқот мазмун-моҳияти билан фақат навбатдаги дипломатик алоқа эмас, балки Ўзбекистон — АҚШ шериклиги сифат жиҳатидан янги босқичга чиққанини кўрсатди.

Ўзбекистон — АҚШ: СТРАТЕГИК ИЗЧИЛЛИКДАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИККА



Элдор ТУЛЯКОВ, “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори

Сўхбат якуни АҚШ Президенти томонидан ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига “юқори даражада” деб берилган баҳо билан янада мустаҳкамланди. Бу эътироф етакчи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Энг муҳим жиҳат шундаки, мулоқот давомида аввал эришилган келишувларнинг амалий ижроси атрофида муҳокама қилиниб, стратегик шериклигини янада чуқурлаштиришга қаратилган аниқ устувор йўналишлар белгилаб олинди. Бу эса Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг декларатив баёнотлар доирасидан чиқиб, институционал ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланган барқарор ҳамкорлик моделига ўтаётганини кўрсатади.

Сўнгги йилларда давлат раҳбарлари даражасидаги сиёсий мулоқотнинг фаоллашуви ўзаро ишонч муҳитини шакллантириб, иқтисодий ва инвестициявий қарорлар қабул қилиш учун мустаҳкам сиёсий пойдевор ҳозирлади. Бугун АҚШ Ўзбекистон учун технологиялар, сармоя, инновациялар ва инсон капитали соҳаларида муҳим стратегик шерик сифатида намоён бўлмоқда.

Америка компаниялари иштирокида турли соҳаларда амалга оширилаётган йирик қўшма лойиҳалар инвестиция ҳажмини ошириш билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, илгор

технологияларни жорий этиш ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар заنجирини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда ҳудудлар ўртасида тўғридан тўғри ҳамкорлик механизмларининг йўлга қўйилиши иқтисодий дипломатияни марказдан жойларга кенгайтириб, вилоятлар даражасида янги инвестиция ва саноат лойиҳаларини илгари суриш учун қўшимча имкониятлар очмоқда. Бу эса ислохотларнинг фақат марказий даражада эмас, балки ҳудудлар бўйича ҳам чуқурлашиб бораётганини кўрсатади.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигидаги қатор стратегик йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Биринчидан, инфратузилма ва транзит салоҳияти масаласи. Денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмасда, Ўзбекистон минтақадаги муҳим транспорт-логистика тармоғидир. АҚШ билан ҳамкорлик Транскасий йўлининг ривожлантириш, “Шарқ — Ғарб” транспорт йўлакларини кенгайтириш, темир йўл ва порт инфратузилмасини интеграциялашга хизмат қилади.

Иккинчидан, қайта тикланувчи энергия ва саноат модернизацияси. Ўзбекистон 2030 йилгача энергия балансида қайта тикланувчи манбалар улушини 50 фоиздан оширишни мақсад қилган. Қўёш ва шамол энергетикаси, энергияни сақлаш технологиялари ҳамда водород ечимлари бўйича АҚШ билан ҳамкорлик саноатини янги технологик босқичга олиб чиқиши мумкин.

Учинчидан, минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш масаласи. Бу ҳомашё экспортдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, қўшилган қиймат заنجирини мамлакат ичида шакллантириш, янги иш ўринлари очиб ва технология мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бошқача айтганда, қиймат мамлакат ичида қолиши лозим.

Тўртинчидан, инсон капитали. “Инсон капитали — энг катта сармоя” тамойили Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигида алоҳида ўрин тутади. АҚШ университетлари, илмий-тадқиқот марказлари ва давлат бошқаруви институтлари билан ҳамкорлик мамлакатимиз учун замонавий билим, илгор тажриба ва рақобатбардор компетенциялар базасини шакллантиришда гоят муҳим.

Шу билан бирга, хавфсизлик масалалари ҳам кун тартибидан тушгани йўқ. Афғонистондаги вазият минтақавий барқарорликка беvosита таъсир кўрсатмоқда. Бу борада АҚШ билан мулоқот ва ҳамкорлик минтақада хавфсизликни таъминлашга қаратилган сайёҳаракатларни уйғунлаштиришга ижобий ҳисса қўлиши мумкин.

Олий даражадаги телефон орқали мулоқот Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари чуқур мазмунга эга экани, стратегик барқарорлик ва аниқ амалий натижаларга қаратилган шериклик айланиганини яна бир бор намоён этди. Бу муносабатлар энди фақат сиёсий мулоқот билан чекланиб қолмай, иқтисодий ўсиш, технологияни янгилашни ва инсон тараққиётига хизмат қиладиган узоқ муددатли ҳамкорлик модели сифатида шаклланиб бормоқда.

ВАШИНГТОН ВА ТОШКЕНТ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ЮКСАК ДАРАЖАГА ЧИҚДИ

Бошланиши 1-бетда

“The National Desk” нашри Қўшма Штатлар келаси йили G20 саммитига мезбонлик қилишини маълум қилди ва Дональд Трампнинг сўзларидан иқтибос келтирди: “Биз иккала етакчига Майамида бўлиб ўтдиган ушбу жуда муҳим тадбирда меҳмон сифатида бизга қўшилиш учун таклифнома юборамиз!”.

“The Times of Central Asia” нашри икки томонлама алоқалар фаоллашгани ва авиация, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, энергетика ва технологиялар каби соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани, ушбу ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмлари, жумладан, Америка — Ўзбекистон ишбилармонлар ва инвестиция кенгаши ҳамда режалаштирилаётган Қўшма Инвестиция жамғармаси ташкил этилганини қайд этган.

Канаданин “The Canadian Press” марказий нашри ва Канаданин “CityNews” ахборот агентлиги таъкидлашча, “Бу стратегик қадам маъмурият Дональд Трампнинг биринчи муддат ташки сиёсатининг асосий ютуғи бўлган ташаббусни қайта тиклашга уринаётган бир пайтда амалга оширилди. Хусусан, унинг жамоаси Исроил ва



Бирлашган Араб Амирликлари, Бахрайн ва Марокаш ўртасида дипломатик ва савдо алоқаларини йўлга қўйган. Бу сафар “стратегик эътибор Марказий Осиё минтақасига, хусусан, Ўзбекистон ва Қозғистонга қаратилди. Чунки АҚШ муҳим минералларни етакчи беришнинг барқарор заنجирларига жиддий эътибор қаратган”.

Ушбу ташаббуснинг етакчи оммавий ахборот воситаларида ёритилиши унинг кенг сиёсий ва стратегик контекстини тушунишга уринишлар билан бирга келди. Шу нуқтани назардан, америкали таҳлилчилар ва экспертларнинг эксперт баҳолари алоҳида қизиқши уйғотмоқда. Улар Ўзбекистон ва Қозғистоннинг G20

саммитида иштирок этишини бир марталик дипломатик ишора сифатида эмас, балки минтақавий ва жаҳон сиёсатидаги чуқур ўзгаришларнинг инъикоси сифатида кўрмоқда.

Жумладан, республикачи сенатор Сив Дэйнс “X” платформасида қуйидагиларни эълон қилди:

“АҚШ, Қозғистон, Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё ўртасидаги яқин муносабатларни мустаҳкамлаш нафақат мақсадга мувофиқ, балки барча манфаатдор томонлар учун стратегик заруратдир.

Мен АҚШ Президенти Дональд Трамп ва унинг маъмуриятини ушбу воқеликни тан олгани ва Американин Марказий Осиё билан муносабатларига устувор аҳамият бергани учун олқийлайман”.

АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили, АҚШнинг Ҳиндистондаги элчиси Сержио Гор (“X” платформаси): “Бугун Президент Д.Трамп телефон орқали Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан мулоқот қилди. Д.Трамп тинчлик ва фаровонлик тарафдори бўлган Президент экани таъкидланди. Мен бунга тўлиқ қўшилиман! АҚШ Президенти раҳбарлигида сон-саноксиз можаролар тўхтади ва дунё яхшиланди!”.

G20 кун тартибида иштирок этиш Ўзбекистон учун молиялаштириш ва технологиялардан фойдаланиш, экспорт тармоқларини илгари суриш, энергетика, инфратузилма ва саноатта стратегик инвестицияларни жалб қилиш бўйича энг йирик иқтисодийётлар билан тенг мулоқот қилиш учун қўшимча имкониятлар очади.

Жон ХЁРБСТ,

“Atlantic Council” таҳлилий маркази ҳузуридаги Евроосиё маркази катта директори, АҚШнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси:



— Самарқандда “С5+1” форматининг яратилиши АҚШнинг Марказий Осиё билан муносабатларини ривожлантиришда муҳим сигнал бўлди. Президент Дональд Трамп ва минтақа мамлакатлари етакчилари ушбу форматни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Ноябрь саммити АҚШнинг Ўзбекистон, Қозғистон ва

минтақанин бошқа мамлакатлари билан янада яқин муносабатлари кун тартибидан шакллантиришда муҳим қадам бўлди.

Бугун Вашингтон ва Тошкент ўртасидаги муносабатларда яна бир қадам олдинга ташланди. Гап Дональд Трампнинг Ўзбекистон Президентига G20 учрашувида иштирок этиш учун шахсан қилган таклифи ҳақида бормоқда. Ушбу қадамлар Вашингтоннинг Марказий Осиёга аниқ ва онли эътибордан, АҚШнинг Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорлигини кенгайтириш зарурлигидан далолат беради.

Бугун Вашингтон ва Тошкент ўртасидаги ҳамкорлик мисли кўрилмаган юксак даражада. Бу, биринчидан, “С5+1” формати доирасидаги ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш билан боғлиқ. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг G20 ишига жалб қилиши. Ўзбекистон раҳбарияти ҳар доим Вашингтон билан янада яқин ва конструктив муносабатларга интилиб келган ва унинг сайёҳаракатлари тўғрисида бу жараён фаол амалга оширилмоқда.

Аюб АЮБИ,

“Project C.U.R.E.” хайрия жамғармаси директори:



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёни халқаро аҳамиятга молик сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш учун минтақа анчадан буён муҳтож бўлган етакчидир.

Ўзбекистон Президентининг АҚШ етакчиси, дунёнинг бошқа етакчилари билан йўлга қўйган муносабатлари диққатга сазовор ва бутун Марказий Осиё минтақаси учун стратегик аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг G20 саммитида иштирок этишга таклиф этилгани жуда муҳим сигналдир. Бундай мулоқотлар ва ҳамкорлик шакллари Марказий Осиёга халқаро қизиқишнинг ортиси, инвестицияларни жалб этиш, узоқ муددатли шерикликни ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Елена СОН,

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси (АУТР) ижрочи директори:



— Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари Президентлари ўртасида навбатдаги телефон мулоқоти бўлиб ўтгани ҳақидаги хабарни АУТР аъзолари жуда ижобий қабул қилди. Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги олий даражадаги мулоқот тўғрисидаги ишончли ҳамкорликнинг иккинчи намунаси бўлди. Алоқаларнинг бундай шакли икки томонлама муносабатлар учун барқарор ва олдиндан айтиш мумкин бўлган асосни шакллантиришда ҳамда ҳам Америка, ҳам

Ўзбекистон бизнесига сезиларли амалий фойда келтирадиган қулай шарт-шароитларни яратади.

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари Президентларининг бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги кучли етакчилиги ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган сайёҳаракатлари кўп жиҳатдан бир-бирига мос келади ва бир-бирини тўлдирди. Икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос бўлади.

G20 саммитида иштирок этиш таклифи муҳим сиёсий-иқтисодий сигнал бўлиб, Тошкентнинг халқаро субъектлигини оширади ва инвесторларнинг ислохотларга ишончини мустаҳкамлайди.

G20 кун тартибида иштирок этиш Ўзбекистон учун молиялаштириш ва технологиялардан фойдаланиш, экспорт тармоқларини илгари суриш, энергетика, инфратузилма ва саноатта стратегик инвестицияларни жалб қилиш бўйича энг йирик иқтисодийётлар билан тенг мулоқот қилиш учун қўшимча имкониятлар очади.

Грегори КУПЛИ,

Халқаро стратегик тадқиқотлар ассоциацияси президенти:



— Ўзбекистон ва АҚШ Президентларининг 23 декабрь кuni бўлиб ўтган телефон орқали мулоқоти Дональд Трамп маъмуриятининг Марказий Осиё минтақасига эътибори ортиб бораётганини кўрсатди.

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши билан Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари нафақат жадал ривожланди, балки муҳим тармоқларнинг кенг доирасини қамраб олган ҳолда сифат жиҳатидан янги мазмун касб этди.

Президентлар 2025 йил ноябрь ойида “С5+1” саммити доирасида ўтган учрашувида эришилган келишувлар ижросининг бориши, Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини янада ривожлантириш истиқболларини батафсил кўриб чиқди.

Президентлар икки томонлама сиёсий алоқалар, энг аввало, олий даражада фаол

ривожланиб бораётгани, бу мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклигини янги босқичга кўтариш ва уни амалий мазмун билан бойитиш имконини берганини таъкидлади.

Америка — Ўзбекистон ишбилармонлар ва сармоядорлар кенгашининг ташкил этилиши муносабатларнинг ҳар икки томон учун юксак аҳамиятидан далолат беради.

“Дунё” АА

БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИГА ҚУВОНЧ УЛАШУВЧИ БАЙРАМ

Бошланиши 1-бетда

— Республикаимизнинг барча вилоятларида “Президент арчаси” тадбирлари кўтаринки кайфиятда бошланди, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бўлим бошлиги Лайло Файзимуродова. — 29 декабрда давом этиши кўзда тутилган тадбир ёш авлод камолига эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Пойтахтимизда ўтказилаётган “Президент арчаси”га 1000 дан ортиқ бола таклиф этилган. Бу йилги тадбир янгича мазмун касб этмоқда. Болаларнинг қизиқиши, дунёқарашидан келиб чиқиб саҳналаштирилган, орзу, ишонч ва покликни ифода этувчи томошалар улар қалбига маънавий воқелик бўлиб сингмоқда. Янги йил мўъжизалари, турли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги ўйин ва қувноқ куй-қўшиқлар болажонлар кайфиятига кўтаринкилик бағишлади.

Мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини таъминлаш борасида салмоқли сайёҳаракатлар амалга оширилаётган. Ижтимоий ислохотлар, айниқса, болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли дастурлар бунга мисолдир. Жорий йилда “Президент арчаси” таътаналари юқори савияда ташкил этилиши замирида ҳам ана шу инсонпарварлик, эзгу ва хайрли мақсадлар мужассам.



Президент арчаси

— Болажонларимиз ота-оналари билан биргаликда байрам таътаналарида иштирок этмоқда, — дейди “Имкон” реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли иختисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти директори Озода Улугова. — Улар жуда хурсанд. Ёруғ чироқлар, ранг-баранг шарлар, эртак қаҳрамонлари чиқишлари улар қалбига қувонч улашди. Янги йил чиндан сехли байрам. Буни болажонлар тўлиқ ҳис қилиди.

Байрам қувончи, болаларнинг шодон кulgуси янги йилнинг асл моҳиятини — умид ва меҳр, бирдамлик, ҳамжиҳатлик гояларини намоён этди. Бу байрам болалар қалбига эзгуликка ишончли мустаҳкамлаб, уларни бир-бирига меҳр кўрсатиш ва қувончни баҳам кўришга ундади. Тарбиявий ва маънавий аҳамиятга эга киндиқари томошалар, қувноқ куй-қўшиқлар ота-оналар кайфиятига хушнудлик улашди.

Жами 11 минг 125 дона шундай совға шакллантирилиб, улар таркибига болаларнинг таълим олиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилувчи 24 номдаги ўқув қуроллари, шунингдек, болажонлар севиб истеъмол қиладиган 34 номдаги ширинлик маҳсулотлари киритилди.

— Ёғлим Ҳусанжон Абдуҷалилов 10 ёшда, — дейди Шаҳноза Рафиқова. — У ҳар йили шу байрамни жуда орзиқиб кутади. Таассуротлари ҳақида гапиришдан чарчамайди. Фарзандимнинг қалбидаги қувончни кўриб ўзим ҳам хурсанд бўламан.

Мазкур байрам тадбирларини мазмунли, кўтаринки руҳда ва юқори савияда ўтказиш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда тизимли ишлар қилинмоқда. Хусусан, болалар учун байрамона муҳит яратиш, уларни сифатли совғалар билан қувонтириш ҳамда ҳар бир боланин эътибордан четда қолмаслигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунга келиб, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, “SOS — болалар маҳаллалари”, оилавий болалар уйларида тарбияланаётган, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар ҳамда юртимиз тинчлиги ва осойишталигини йўлида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи оғирлар ходимларининг фарзандлари учун махсус Президент совғалари тайёрланди.

Жами 11 минг 125 дона шундай совға шакллантирилиб, улар таркибига болаларнинг таълим олиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилувчи 24 номдаги ўқув қуроллари, шунингдек, болажонлар



Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

севиб истеъмол қиладиган 34 номдаги ширинлик маҳсулотлари киритилди.

Айни пайтда Президент совғалари мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб белгиланган манзилларга етказилмоқда. Ушбу ташаббус болаларнинг эртанги кунга ишончи ва орзуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Президент арчаси” таътаналари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этиб, кўрсатилаётган эътибор ва қўллаб-қувватлов болаларнинг келажақда жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Таҳлил ва таққос

АНИҚ ВА АДОЛАТЛИ МАҚСАДЛАР

ИШОНЧ ҲАМДА МУСТАҲКАМ ИРОДАГА АСОСЛАНАДИ



Исмоил САИФНАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бегда

Шу боис, мазкур йўналишда аниқ дастурлар қабул қилинди. Олдинга қўйилган амбицияли дастурлар рўёби йўлида тадбиркорлик иқтисодийни ҳаракатга келтируви, олдинга бошловчи катта кучга айланди.

Рақамлар кўп нарсадан далоят беради. Олайлик, кейинги саккиз йилда янги ички маҳсулот 2 қарра ошиб, ўтган йили 115 миллиард долларга, экспорт ҳажми 26 миллиард долларга етди. Йил якуни билан янги ички маҳсулотимиз 130 миллиард долларга етиши кутуляпти. Олтин-валюта захираларимиз тарихимизда илк бор 48 миллиард доллардан ошди, ўтган саккиз йилда юртимизга қарийб 130 миллиард доллар хорижий инвестиция кириб келгани халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси ислохотлар самараси, тараққиётимизнинг мустаҳкам кафолати, нуфузли молия институтлари ва хорижий компанияларнинг юксак ишончидир.

Кўз ўнгимизда минглаб замонавий корхоналар, иктимой-иқтисодий инфратузилма объектлари қад ростлаётди. Эътибор беринг, бу йил жами 35 миллиард доллар инвестиция эвазига 9 мингта янги янги корхона, хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо этилди. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида 4 миллиард долларлик 79 та йирик объект ишга туширилди. Ўтган даврда биргина кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 қарра кўпайди. Бугун ушбу тармоқда 10 миллиондан ортиқ ишон меҳнат қилиб, даромад топтомоқда. Энг муҳими, шу йилнинг ўзида четда ишлаётган 700 минг меҳнат муҳожири юртимизга, ўз оиласи бағрига қайтди.

Ўзбекистон дунёга кенг очилганидан сўнг хорижий сайёҳлар сони ўтган йили 10 миллион кишидан, туризм хизматлари экспорти эса 3 миллиард доллардан ошди. Тарихимиз, миллий ўзгичлигимизни тиклаш мақсадида бунёд этилган Илтимой-иқтисодий маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий зияратгоҳи каби улкан ва ноёб мажмуалар туфайли хорижий сайёҳлар оқими янада кескин ошиши кутуляпти. Халқимизнинг маънавий салоҳиятига ҳар томонлама муносиб бўлган бундай бетакорор обидалар аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилиги учун янги ва жозибадор масканларга айланишига шубҳа йўқ.

Энергетик барқарорликда ҳал қилувчи давр

2025 йил энергетика соҳасида кескин бурилиш йили бўлди. Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида йирик қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилиши натижасида иқтисодиётда “яшил” энергия улуши сезиларли даражада ошди. Бу санаот корхоналарининг узуқлиқ ишлашини таъминлаб, энергия тақчиллиги муаммосини юмшатишти.

Узоқ вақтгача Ўзбекистонда электр энергияси таъминоти билан боғлиқ жиддий муаммолар борлиги, улар кенг қулоч ёзгани, янада аянчлиси, индустриал ривожланиш ҳамда иқтисодий ўсишимизга тўқтинлик қилётгани юқори доирада очикчасига айтилмади. Муаммони тан олиш учун, аввало, сиёсий ирода керак эди. Шавкат Мирзиёев Президентлиги даврида вазият тубдан ўзгарди. Мамлакат электр энергияси тақчиллиги шартини яраштиради. Энергетика соҳасини модернизациялашга доир яхлит дастур ишлаб чиқишга киришилди. Ниҳоят 2019 йилда 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат мамлакатимизда энергия таъминоти манбаларини диверсификациялаш сиёсатининг тамал тошини қўйди дейиш мумкин. Яна бир жиҳат. Қуёш ва шамол генерациясига ўтиш тегишли инфратузилмани яраттишдан бошланади. Бу эса ҳазилмак иш эмас. “Яшил” энергетика жуда қиммат соҳа. 2017 йилгача Ўзбекистон ҳозиргидек дунёга очик мамлакат бўлмаган. Иқтисодиёт тармоқлари давлат томонидан қаттиқ назорат қилинарди. Бундай шартини яраштиради йирик инфратузилмавий лойиҳалар учун хорижий ҳамкорларни жалб қилиш, уларга қулай шартлар тақдир этиш мумкин эди. Инвесторлар биз билан ишлашдан чўчиган.

Энди Президентимизнинг ўзи қайта тикланувчи энергия манбаларига маблағ тиклаётган тадбиркорларни рағбатлантирмоқда. Ўзбекистонда фото ва гидроэлектр станциялар, шамол генераторлари куриш учун солиқ имтиёзлари берилди. Шу маънода, мазкур йўналишда эълон қилинган тендерларда доим ўнлаб хорижий компания иштирок этиш истатини билдираётгани бежиз эмас.

Ижтимоий давлат мақоми масъулияти ва самараси

Янги тахрирдаги Конституцияимизда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат экани мустаҳкамланди. Шу асосда 2025 йилда камбағалликни қисқартириш фақат моддий ёрдам бериш эмас, балки аҳолини тадбиркорликка



Шунингдек, ҳудудларда 69 минг километр электр тармоғи, 14 мингта трансформатор ва юқори кучланилиш подстанция янгиланди. Шу маънода, йил адоғига яқин ишга туширилган ва йилгача 15 мингта трансформатор ишлаб чиқарадиган “Ангрен энерго” ҳамда 155 та гидроагрегат тайёрлаб берадиган “Uzhydropower” корхоналари катта истиқболга эга.

Ҳисоб-китобларга кўра, келгуси олти йилда мамлакатимизда электр энергиясига талаб ҳозирги 83 миллиарддан 120 миллиард киловатт-соатга ўсади. Бунинг биринчи гада, қайта тикланадиган энергия ҳисобидан қўлаш режалаштирилган. Бунинг эвазига Ўзбекистон энергия мустақиллигига эришиб-гина қолмай, Европада ҳам экспорт қилишни бошлайди. Демак, Ўзбекистоннинг қуввати, энергияси ўзи борапти. Ушбу ўзгаришларнинг архитектори давлатимиз раҳбаридир. Бу Президентимизнинг чуқур ўйланган ислохотлари, стратегик қарарлари, халқ фаровонлиги йўлидаги фидойи меҳнати ва чексиз энергиясининг рамзий ифодасидир.

2025 йилда давлат активларини хусусийлаштириш жараёни жаддалашди. Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиш йўлидаги қонунчиликни уйғунлаштириш жараёни якуний босқичга кирди, бу эса миллий махсулотларимизнинг ташқи бозорларга чиқиши учун янги имкониятлар очди. 2026 йили мамлакат ишга туширилади, таъминоти аҳолини аниқлаштириб борапти. Зеро, шу кунларда бу йўналишда яна бир муҳим натижага эришилди: Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш бўйича Россия билан музокараларни якунлади.



жалб қилиш орқали амалга оширилди. Ҳар бир маҳаллада мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, аҳолига ер, кредит ва асбоб-ускуналар ажратилди. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича “Сайхунбод”, “Уйчи” “Зарбдор” ва “Ғиждувон” тажрибавари мамлакат бўйлаб тўлиқ ёйилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан манзилли ёрдам тизими рақамлаштирилди, бу эса маблағларнинг ҳақиқий муҳтожларга етиб боришини таъминлади. Йил якунига кўра, камбағаллик даражаси бир хонали рақамларга тушиши учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

ниш ва даромад топиш имконига эга бўлди. Сўнгги беш йилда 800 мингдан зиёд аҳоли замонавий касбларга ўргатилиб, юқори даромадли ишларга жойлаштирилди.

Хотин-қизларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш масаласи давлат сиёсати эътиборига олинди, шу йилнинг ўзида 1 миллион 700 минг аёл ишли бўлгани қувонарлидир. Келгуси йилда ҳам “Рақамли авлод қизлари” дастури доирасида 50 минг қиз АТ, финтех ва сунъий интеллектга ўқитилади. Келгуси йилдан меҳнат бозорига аёллар учун тенг шартини яратиш мақсадида ижтимоий сўғурта тизими қамрови кескин оширилди. Бу уларнинг камбағалликка тушиб қолмаслигини кафолатлайди.

Қолаверса, 140 минг камбағал оилага шифокор бириктирилиб, уларни йилгача бир марта тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилди. Энди кафолатланган тиббий хизматлар кўпайтирилди, камбағал оилаларнинг бунга сарф қиладиган харажати икки қарра қисқартирилди. Бунда уларга бепул дори ва кафолатланган тиббий хизматлар пакети тақдим этилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли билан манзилли ишлаш — камбағалликка қарши курашда асосий йўналишлардан бири. Имконияти чекланган аҳолининг камбағалликка тушиб қолиш эҳтимоли юқори. Шу боис, уларни қўллаб-қувватлаш, инклюзивлик асосида жамиятга интеграция қилиш бўйича янги ёндашувлар ишлаб чиқилди. Муносиб меҳнат шартини яратилгани учун бу йил ноғиронлиги бор 150 минг шахс ишга жойлашди. Уларга ҳаётини зарур тиббий жиҳозлар бепул тақдим берилмоқда. Имконияти чекланган болаларни мактаб ва касбий таълим билан қамраб олиш учун алоҳида дастурлар амалга оширилмоқда.

Таълим соҳасида инсон капиталига инвестиция қилиниши 2025 йилнинг бош шiori бўлди. Президент мактаблари стандартлари оддий мактабларга ҳам жорий этила бошлади.



Хорижий тилларни ўқитиш ва касб-хунарга йўналтириш тизими тубдан ўзгарди. Олий ўқув юрғларининг сони эмас, сифати биринчи мақсадга чиқди. Бир неча маҳаллий университет халқаро рейтингларда (QS, Times Higher Education) ўз ўрнини мустаҳкамлади. Энг муҳими, олий таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвийлик кучайди — талабалар ўқиниш давомида ишлаш ва амалиёт ўташ имкониятига эга бўлди. Сифатли таълим-тарбия келгуси тараққиётимизни ҳал қиладиган энг муҳим масала. Замонавий дарсликлар, илгор педагогик технологиялар асосида мактаб таълимига янги мазмун, янги сифат кириб келмоқда.

Шу даврда олий таълимда ҳам кескин бурилиш ясаиб, қамров 9 фозидан 42 фозига етказилди. Айниқса, талабаларнинг 53 фозини хотин-қизлар ташкил этаётгани алоҳида эътиборга сазовор. Ҳозирги вақтда дунёдаги ТОП олийгоҳларда Ўзбекистонлик 2 мингдан зиёд талаба таҳсил олмақда. Улардан 750 нафари “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали давлат ҳисобидан ўқимокда.

Ўтган йили юртимиз ёшлари ТОП-500 талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади. Айниқса, фарзандлари дунёдаги энг нуфузли университетларда таълим олаётган ота-оналарнинг хурсандлигини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Бу, албатта, “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” эзгу госянингнинг амалдаги ифодасидир.

Сўнгги йилларда тиббиёт учун маблағ 6 қарра оширилган, сифатли тиббий хизматлар маҳаллагача туширилгани эртанги кунга ишончимизни оширади. Одамлар юқори технология тиббий хизматлар учун олдин фақат пойтахтга келарди. Ҳозир бундай амалиётларнинг 400 дан ортиғи вилоят ва туманларнинг ўзида бажарилимоқда.

Касалликларни профилактика қилиш, аҳоли ўртасида соғлом ҳаёт тарзини қарор топтиришга катта аҳамият қаратилаётди. Аҳолининг турмуш шартини яхшилашни бораётгани натижасида ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга ўзгариб, тиббий сўғурта тизими босқичма-босқич бутун мамлакат бўйлаб жорий этилди.

Давлат хизматларининг 90 фозидан ортиғи рақамли шаклга ўтказилди, бу эса бироқратия ва коррупция хавфини сезиларли даражада камайтирди.

Эътибор туфайли ёшларнинг овози, гоё ва ташаббуслари, куч-гайрати барча соҳа ва тармоқларга чуқур кириб бормоқда. Бугунги кунда улар санаот, сервис, қишлоқ хўжалиги, АТ, илм-фан, маданият ва спортда катта ютуқларга эришаётгани барчамизга гурур бағишлайди.

Футбол бўйича миллий терма жамоамиз мамлакатимиз тарихида илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга кiritиб, кўп йиллик орзу-умидимизни рўёбга чикарди.

Халқаро майдонда Ўзбекистон овози тобора баланд янграмоқда

Ўзбекистон ташқи сиёсатда ҳам беназир. Бугун Ўзбекистоннинг овози минтақавий ва халқаро майдонда тобора баланд янграмоқда. Юртимиз жаҳондаги кўплаб нуфузли саммитлар, халқаро форумлар ўтадиган сиёсий марказлардан бирига айланди. Бу анжуманлар Ўзбекистоннинг дунё аҳлини тинчлик ва ҳамкорликка қорлайдиган эзгу давлати сифатида намоён бўлмоқда.

Энг аввало, Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик, яхши ўлчилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимиз сифат жиҳатидан янги босқичга чиқди. МДХ, ШХТ мамлакатлари билан аънавий, кенг қамровли ва стратегик шериклик алоқалари янада кенгайди. Тараққий этган йирик давлатлар билан савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш, кенг қўламли шериклик ва амалий алоқалар мустаҳкамланди. “С5+1” форматига ўтказилган қатор саммитлар бунинг яққол исботидир.

Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка минтақасидаги мамлакатлар билан янги ва истиқболли йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун транспорт-логистика йўлларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Африқонистон минтақасида ва глобал хавфсизликнинг муҳим омили эканидан келиб чиқиб, ушбу давлат ҳукумати билан конструктив ва амалий ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувидаги маънавият билан Ўзбекистон минтақасидаги бирлаштирувчи куч сифатида ўз мақоми мустаҳкамланди. “Марказий Осиё бешлиги” форматидидаги ҳамкорлик иқтисодий иттифоқ даражасига яқинлашди. Ушбу маслаҳат учрашувида Озарбайжон ҳам қўшилгани унинг нуфузини оширди.

Япония, Европа Иттифоқи ва АҚШ билан стратегик алоқалар янги босқичга чиқди. Айниқса, “Марказий Осиё + Япония” саммити ва унда қабул қилинган Токио декларацияси минтақавий хавфсизлик ва транспорт йўлларини ривожлантиришда муҳим ҳужжат бўлди.

Умуман олганда, 2025 йил Ўзбекистон учун барқарорлик ва юксалиш йили бўлди. Албатта, инфляцияни жилловлаш, озик-овқат хавфсизлиги ва экологик муаммолар (сув тақчиллиги, чанг бўронлари) каби қаҳриқарлар ҳали ҳам доллар бўлиб қолмоқда. Бироқ йил давомида амалга оширилган тизимли ислохотлар Ўзбекистоннинг нафақат минтақавий, балки глобал иқтисодий занжирлардаги ўрнини мустаҳкамлади.

2026 йилга ўтар эканмиз, мамлакат олдида турган асосий вазифа — эришилган натижаларни сақлаш ва ҳар бир фуқароннинг ҳаётида реал ижобий ўзгаришларни таъминлашдан иборат бўлиб қолади. Эришилган натижалар эса тарих саҳифаларига муҳрланди. Улар янги Ўзбекистон сонолимасига зарфалар билан ёзилиб, келажак авлодларга мустаҳкам пойдевор ва буюк намуна бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Янги Ўзбекистон қурилиши аниқ ва адолатли мақсадлар, улкан ишонч ва мустаҳкам ирода асосидаги тараққиёт йўлидир. Бу йўлдаги асосий энергия манбаи эса Президентимизнинг чексиз салоҳияти ва фидойилигидир.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

TRANСПОРТ СОҶАСИ —

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ДРАЙВЕРИ



Маманбий ОМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг
биринчи ўринбосари

Бошланиш 1-бетда

Ўтаётган йил рақамларда

2025 йилнинг январь-ноябрь ойлари натижалари транспорт саноатининг барқарор ижобий ривожланиши динамикасида назоқат қилди. Ҳисобот даврида кўрсатилган хизматлар ҳажми 173 триллион сўмга етди, бу ўтган йилгидан 14 фоиз зиёд дегани. Саноатнинг ўсиши макроиқтисодий кўрсаткичларда акс этади: ялпи ички маҳсулотдаги улуш 5,6 фоиз, хизматларнинг умумий ҳажмида эса 19 фоиз ошди. Йил охиригача 185 триллион сўмлик натижага эришиш кутилмоқда, бу ўтган йилгидан сезиларли юқори. 2026 йилги стратегик мўлжаллар бозорни янада, яъни 200 триллион сўмдан зиёда кенгайтиришни назарда тутаяди ва бу секторнинг узоқ муддатли салоҳиятини намойиш этади.

Юк ташини динамикаси транспорт хизматларига нисбатан барқарор талабни тасдиқлайди. Йил давомида 6,4 миллиард йўловчи ва 1,4 миллиард тонна юк ташилди, бу ўтган йилдагига нисбатан мос равишда 5,2 ва 4,6 фоиз кўпдир. Халқаро юк ташини ўсиши, айниқса, сезиларли — 11 фоиз (59 миллион тоннагача) ошди. Йил охирига келиб, 7,2 миллиард йўловчи, 1,5 миллиард тонна юк ва 66,5 миллион тонна халқаро ташини ҳажмлари кўпайтди.

Соҳанинг ташқи иқтисодий кўрсаткичлари алоҳида эътиборга молик. Транспорт хизматлари экспорти 2,2 миллиард долларга етиб, реждан 4,6 фоиз ошди ва ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз ўсди. Хорижий инвестиция оқими сезиларли даражада кучайиб, 738 миллион доллар (2024 йилдагига нисбатан 64 фоиз кўп) ўзлаштирилди. Йил охиригача хизматлар экспорти 2,3 миллиард долларга етди ва 25 та лойиҳа доирасида 839 миллион долларлик инвестиция ўзлаштириш режалаштирилган, бу эса инфратузилмани модернизациялаш ва янада ривожлантириш учун мустақкам асос яратяди.

Ҳаммаси хизматлар сифатини яхшилаш учун

Йил бошидан жамоат транспорти ривож қаратилувчи таркибдаги кенг кўламли янгиланишлар ва йўналиш тармоғи кенгайтириш билан тавсифланади. 573 та автобус, 216 та электробус ва 396 та микроавтобус хариди парклари 1185 та замонавий экологик тоза транспорт воситаси билан янгиланган имконини берди. Бу шаҳарлар ва халқаро йўналишлари ўз ичига олган 187 йўналишни ишга тушириш учун шaroит яратди. Йил охирига қадар минтақаларга қўшимча автобуслар етказиб бериш ва режалаштирилган харидлар транспорт воситаларида эркин ҳаракатланишни ошириш ва мавжуд инфратузилмага юқори қамайтириш бўйича изчил сиёсатдан далолат беради.

Йирик ўзгариш брутто-шартномалар амалиёти кенгайтириш бўлди. Ушбу амалиёт ҳозир Тошкент, Нукус ва вилоят марказларидаги 253 та автобус йўналишида қўлланилмоқда. Ушбу моделнинг жорий этилиши йўловчи ташиниш мунтазамлигини ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишга имкон берди, яъни транспорт воситалари оралиғидаги интервал 2-3 баравар қамайдди, пойтахтда эса йўловчилар оқими кунига 1,4 миллион кишига етди. Вилотларда ҳам шунга муқобил динамика — кунлик йўловчи ташини сони ўртача 60 фоиз ошгани кузатишмоқда. Ушбу кўрсаткичлар янада шаффоф ва бошқариладиган ташкилий тизимга ўтиш самардорлигини тасдиқлайди.

Тармоқнинг молиявий ва технологик модернизацияси пойтахт жамоат транспортида нақд пул тўлашдан воз кечилиши натижасида кучайди. Электрон тўловларга

лиондан зиёд йўловчи хизмат кўрсатувчи метронинг янгиланиши шаҳар мобиллигини ривожлантиришга комплекс ёндашувни шакллантирмоқда.

Тизимда тармоқнинг роли ортапти

Темир йўл транспортида барқарор ўсиш кузатиляпти, транспорт тизимида тармоқнинг роли ортапти. Йўловчи ташини ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 7 фоиз ўсган ҳолда 9,8 миллион кишига, юк ташини эса 98 миллион тоннага етди (ўсиш 4,2 фоиз). Транзит сегментини ҳам ижобий динамика кузатишмоқда: юк ташини ҳажми 8 фоиз ошди, 11 миллион тонна ташкил этди. Бу кўрсаткичлар талабнинг тикланиши ҳамда темир йўл транспортининг ички ва халқаро йўналишларида рақобатбардорлиги ошганини акс эттирди.

Инфратузилмани фаол модернизациялаш ва ривожлантириш ўсишининг асосий омил бўлди. Йил бошида 465 километри Бухоро — Урганч — Хива участкаси тўлиқ электрлаштирилди ва фойдаланишга топширилди, бу эса электрлаштирилган темир йўллар улушини 51 фоизга етказишга имкон берди. Параллел равишда Самарқанд — Урганч, Байтўғрон — Паркент ва Мискин — Нукус йўналишларини ўз ичига олган линияларни қуриш ва электрлаштириш ишлари бажарилди. Йил охирига қадар қувватларни кўпайтириш ва эксплуатация харажатларини қамайтириш мақсадида қатор стратегик лойиҳаларни рўёбга чиқариш режалаштирилган. Бу, ўз навбатида, юк ташини ҳажмини янада оширишга замин яратяди.

алоқани кучайтиради. Янги электр поездлар сотиб олиш, маҳаллий корхоналар томонидан йўловчи ва юк вагонлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш харажатларини таркибини

Инфратузилмани модернизациялаш тармоқнинг барқарор ўсишида муҳим омил бўлди. Жорий йилда Сариев шаҳридаги аэродром ва Андижон халқаро аэропорти



янгилашга тизимли ёндашувдан далолатдир. Ушбу чора-тадбирлар биргаликда ўсишга, технология ва транзит салоҳиятига қаратилган темир йўл транспортини ривожлантиришнинг барқарор моделини шакллантирди.

Авиация парвозда

Авиация ҳам барқарор миқдорий ва сифат кўрсаткичларини намойиш этапти. Бу эса секторнинг мамлакатимиз иқтисодий ривожланишига қўшади хиссасини оширади. 2025 йилда 21 та самолёт харид қилган резидент компаниялар миллий авиапаркимизда улар сонини 107 тага етказди. Флотнинг кенгайтириши билан бирга йўналиш тармоғи ҳам ўсмоқда: бугунги кунда 17 та резидент ва 51 та хорижий авиакомпания 203 та йўналиш бўйича парвозларни амалга оширяпти, уларнинг аксарияти халқаро линиялардир. Бу мамлакатнинг минтақавий ва глобал авиация бозоридаги мавқени мустақкамлашиб бораётганидан далолат.

Парвозлар географияси кенгайтириши ва илгари ёпилган йўналишлар тикланиши тармоқнинг асосий кўрсаткичларига ёвонита таъсир кўрсатди. 2025 йилда 33 та йўналиш очилди ва тикланди, 15 та парвозлар сонини 13 фоиз, яъни 116 мингга оширишга имкон берди. Йўловчи оқими 24 фоиз ўсиб, 13,8 миллион кишига етди, бунда асосий ўсиш халқаро юк ташини хиссасига тўғри келди. Юк ва почта авиаташувлари сезиларли даражада ошди, уларнинг ҳажми 19 фоиз ўсиб, 180 минг тоннани ташкил этди. Йил охиригача парвозлар ва йўловчилар сони янада кўпайиши кутилмоқда, бу эса авиация хизматларига юқори талабни кўрсатади.

тўлиқ реконструкция қилинди, шунингдек, Тошкент — Шарқий негизда замонавий аэропорт комплекси фойдаланишга топширилди. 2026 йилда туризмни ривожлантириш мақсадида Арнасой аэродромини очиб ва Зарафшон аэродромини реконструкция қилишни бошлаш режалаштирилган. Янги Тошкент халқаро аэропорти қурилиши узоқ муддатли стратегик лойиҳа бўлиб қолмоқда. Бу мамлакатни минтақанинг йирик авиация хабиға айлантиришга хизмат қилади.

Стратегик аҳамиятга эга кўрсаткич

Кенг кўламли халқаро транспорт лойиҳалари мамлакатимизни минтақавий ва китталаро логистиканинг асосий бўғинига айлантириш бўйича изчил сиёсатдан далолат беради. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бошланиши, шунингдек, Трансафғон темир йўли йўналиши илгари суриш бўйича амалий қадамлар жаҳон бозорларига чиқилиши янги йўналишларини шакллантиради ва ташқи савдо оқимларини диверсификация қилади. Шу билан бирга, электрон рухсатномаларни жорий этиш, ортқиқа тўловларни бекор қилиш ва миллий ташувчилар манфаатларини ҳимоялаш ички транспорт сектори рақобатбардорлигини оширади.

Барқарор иқтисодий ўсишда халқаро транспорт ва транспорт йўлакларини ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга. Бу транзит ҳажмини сезиларли даражада ошириш, логистика харажатларини қамайтириш ва мамлакатнинг глобал таъминот занжирлари тизимидagi мавқени мустақкамлашга имкон беради.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси стратегик режалаштиришдан халқаро транспорт йўлининг шакллантиришининг амалий босқичига ўтилганини англатади. Ишлар кўлами мамлакат транспорт-логистика тизими учун лойиҳанинг устуворлигидан далолат беради. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг суб-удратчи сифатида иштирок этиши миллий компетенцияларнинг халқаро лойиҳага интеграциялашувини таъминлайди ва маҳаллий саноат ҳамда бандлик учун қўшимча самара беради.

Шу билан бирга, Трансафғон темир йўли лойиҳасини амалга ошириш орқали жанубий портларга чиқилиши муқобил йўналишларини яратиш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Афғонистон ва Покистон билан уч томонлама битимлар имзоланиши, муҳандислик-техник тадқиқотларни якунига етказиш ва техник-иқтисодий асосларни тайёрлаш янги Евросиё йўлининг шакллантиришга асос яратяди. Ушбу йўналишга нафақат инфратузилма лойиҳаси, балки узоқ муддатли иқтисодий интеграция, транзит салоҳиятини кенгайтириш ва ташқи савдо алоқаларини диверсификация қилиш воситаси сифатида ҳам қаралмоқда.

Темир йўл инфратузилмасини ривожлантиришга халқаро автомобиль транспорти учун шaroитларни яхшилаш муҳим тўлдирди бўлди. “E-permit” электрон рухсат бериш тизимини жорий этиш, дискриминацион тўловларни бекор қилиш ва қатор мамлакатлар билан ҳужжатлар айланишининг рақамлаштирилиши миллий ташувчилар учун маъмурий ва молиявий тўсиқларни сезиларли даражада қамайтирди. Бу асосий мультимодаль йўлақлар, жумладан, транспорт ҳажми барқарор кўпайиши кўп бор қайд этилган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Транскаспий халқаро транспорт йўлининг бўйлаб юк оқимлари ўсишига тўғриван тўғри таъсир қилди.

Умуман олганда, қуриляётган чора-тадбирлар инфратузилма инвестициялари, институционал ислохотлар ва рақамли ечимларни бирлаштирган халқаро транспорт алоқаларини ривожлантиришнинг комплекс моделини шакллантирди. Жорий йилнинг 11 ойида 20 минг километрдан зиёд автомобиль йўлини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ушбу стратегияни тўлдирди ҳамда ички транспорт тармоғи ва халқаро йўлақлар ўртасидаги мустақкам боғланишни таъминлайди.

Йўл ҳўжалиги модернизация қилинмоқда

Ҳисобот даврида йўлларни бошқариш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳудудларнинг бир-бирига боғланиши, транспорт имкониятлари ва хавфсизлигига қаратилган. Хива ер ости автомобиль йўли ва Бекобод туманида Сирдарё орқали ўтувчи янги кўприк ишга туширилиши транспорт оқимларини енгилаштириш ва йўлдаги вақтни қисқартириш борасида муҳим инфратузилмавий ечимга айланди.

Жиззах вилоятидаги лойиҳалар ҳам катта самара берди. Бу ерда янги йўл йўналиши ҳамда йўл ўтказкичи қурилиши М-39 магистрал йўли билан тўғриван тўғри ва хавфсиз алоқани таъминлади. Йўналишларнинг сезиларли даражада қисқариши ва янги объектларнинг юқори ўтказувчанлиги минтақа транзит салоҳиятини оширди, йўловчилар ва юк ташини учун шaroитларни яхшилади. Олимпия шаҳарчаси ҳудудида автомобиль ва спорт йўллари қурилиши шаҳар муҳитини комплекс ривожлантиришнинг қўшимча элементи бўлганини таъкидлаш жоиз ва йўналиш ҳамда иктомий шаҳарсозликдаги устуворликлар уйғунлашиб кетганидан далолат беради.

Шу билан бирга, бутун мамлакат бўйлаб йўл тармоғини таъмирлаш ва модернизациялаш кўлами кенгаймоқда. Йил якунига қадар турли аҳамиятга эга ўн мингга километр йўлни норматив ҳолатга келтириш режалаштирилган. Давлат-хусусий шериклик, хусусан, Тошкент — Андижон ва Тошкент — Самарқанд лойиҳалари асосида пулли автомобиль йўлларини ривожлантириш стратегик йўналишга айланмоқда. Шу билан бирга, халқаро молия институтлари иштирокида асосий миллий ва минтақаларо йўлларни қамраб олувчи йирик лойиҳалар ишга туширилмоқда. Ушбу чора-тадбирларнинг бари йўл инфратузилмасини барқарор ривожлантириш, инвестицион жозибадорлигини ошириш ва мамлакатимизнинг халқаро транспорт оқимларига интеграциялашувини учун узоқ муддатли асос бўлиб хизмат қилади.

Жараён

Давлатимиз раҳбари Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунни муносабати билан ўтказилган учрашувда соҳа мутахассисларига чуқур ҳурмат билдирад экан, улар иштирокида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни эътироф этди. Жумладан, йил бошидан буюн озик-овқат экспорти 37 фоиз ўсиб, 3 миллиард долларга етгани, йил якунигача бу кўрсаткич илк бор 3,2 миллиард доллардан ошиши таъкидланди. Ўзбекистон мева-сабзавоти кириб борган давлатлар сони 18 тага кўпайиб, 83 тага етди. Давлатимиз Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлганидан сўнг бу кўрсаткичлар янада ортиши кутилмоқда.

Фитосанитар хавфсизлик йўналишида ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги томонидан қатор амалий ишлар бажариб келинмоқда. Халқаро савдода иштирок этаётган субъектлар бир-бирини тўғри тушуниши муҳим. Шу боис, биринчи навбатда, халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда фитосанитария соҳасидаги атамалар лўғати бутунлай янгиланди. Наҳажда ўсимликлар карантини (фитосанитария) йўналишидаги қонун ва қонуности ҳужжатларга фитосанитария чоралари бўйича 30 дан зиёд халқаро стандарт

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАДИ



Дилафруз ОРИФХОНОВА,
Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги директори маслаҳатчиси

ҳамда Европа ва Ўрта ер денгизи ўсимликлар химияси бўйича минтақавий ташкилотининг 140 та халқаро стандарти уйғунлаштирилди. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда асосий тамойиллардан бири пестицидлар ва минерал ўғитларни рўйхатга олиш, уларнинг

импорти ва савдосини тартибга солишдан иборат. Ўсимликларни химия қилишда қўлланадиган кимёвий воситалардан тўғри, илмий асосланган ва қабул қилинган меъёрлар асосида фойдаланишни таъминлашга муҳим масала сифатида қаралиб, мамлакатимизда янги тартибни жорий этиш учун қонуний асослар яратилди. Жумладан, БМТ Озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талаблари асосида Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар химияси қилиш тўғрисида”ги қонунига ўзгаришлар киритилиб, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан пестицидларни рўйхатга олиш ва уларнинг савдосини тартибга солишга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинди.

Фитосанитар хавфсизликни таъминлашда халқаро талабларнинг жорий этилиши баробарида фитосанитар лабораториянинг фаолиятини халқаро андозаларга мос равишда ташкил этиш талаби белгиланган. Агентлик тизимида фаолият юритаётган Марказий фитосанитария лабораторияси халқаро аккредитацияга эга бўлиб, бу ерда энг сўнгги методология асосида текширувлар ўтказилади. Бу эса импорт бўлаётган маҳсулотлар билан бирга Ўзбекистон ҳудудида зарарли организмлар кириб келишининг олдини олишга хизмат қилади. Жорий йилнинг ўтган даврида 324,8



мингта экспертиза ўтказилган. 940 та ҳолатда 27 турдаги карантин объектлари аниқланиб, хавфли организмлар кириб келишининг олди олинди ва тегишли чоралар кўрилди.

Фитосанитар назорат нафақат лаборатория ҳамда дала назоратида амалга оширилиши муҳим. Шу сабабли ЖСТга аъзо бўлишда ҳар иккала йўналишни таъминлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимизнинг узоқ-яқин ҳудудларида фермер ва деҳқон

ҳўжаликлари, экин ерлари, томорқалар, боғлар иссиқхоналарни мунтазам мониторинг қилаётган карантин инспекторларининг фаолиятида рақамлаштириш улуши ортди. Энди инспекторлар дала мониторингини натижаларини даладан ўзидан туриб планшет орқали киритиш ва барча маълумот агентлигининг E-Phyto автоматлаштирилган ахборот тизимида жамланади. Шунингдек, Ўсимликлар карантини ва химияси бўйича халқаро конвенциянинг E-Phyto solution

тизимига интеграция қилинган ахборот плат-формасида маҳсулотлар импорти, экспорти, фумигация, зарарли чигиртка назорати, биологатория, тупроқ агрохимёвий таҳлил натижалари ва фитосанитар лаборатория хулосалари умумлаштирилади. Бу эса фитосанитар хавфсизлик тизимини тўлиқ таҳлил қилиш ва баҳолаш имконини беради.

Чегара масканлари моддий-техник базасининг мустақкамлаши ҳам мамлакатда фитосанитар хавфсизликни таъминлаш йўналишида ЖСТ талабларидан биридир. Бугун 76 та чегара пости замонавий ускуналар билан жиҳозланди, 120 инспектор ўқитилди. 6 та қўшимча чегара пости 2025-2026 йилларда модернизация қилинади. Халқаро ташкилотлар кўмаги билан харид қилинган замонавий жиҳозлар ёрдамида чегара ҳудудларининг ўзида сифатли карантин текширувини ўтказиши имконияти юзага келди.

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш учун имконият тақдим этиши билан бирга янги тартиб-таомилларни таъин қилади. Янги ҳа ёндашув, албатта, самара бермоқда. Мисол тариқасида ўтган даврда эришилган натижаларни келтириш мумкин. Ўзбекистон қури-тилган олхўри ва ўрик экспорти бўйича дунёда учинчи, шафтоли ва майида — еттинчи, гилосда — саккизинчи, узумда ўн учинчи ўринга чиқди. Бироқ бу ҳали якуний натижа эмас. Давлатимиз раҳбари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, экспорт ҳажмини оширишда янада катта марралар белгилаб берди. Фитосанитария соҳасидаги чора-тадбирлар маъзур халқаро талабларни босқичма-босқич тизимга уйғунлаштиришга қаратилган бўлиб, мамлакатимизнинг халқаро бозордан муносиб ўрин эгаллашини назарда тутяди.



www.yuz.uz

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш мақсади аллақачон умуммиллий ғоя сифатида шаклланиб, айни пайтда илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, маънавий масканларидаги жадал амалий савий-ҳаракатлар тимсолида яққол бўй кўрсатмоқда. Мана шу қизғин ва шуқудли жараёндаги изчил ўзгаришларнинг бир қисми соғлиқни сақлаш соҳаси билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки ривожланган, замонавий тиббиётсиз соғлом миллат ва халқни, ҳар жиҳатдан расо ва тўқиса генотипни тасаввур қилиб бўлмайди. Биз интилайтган янги уйғониш даврига эса ўткир тафаккур, соғлом ақл, баркамол вужуд орқали етиб борилади.



УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТ ХАБИГА АЙЛАНМОҚДА



Хуснидинхўжа ҲОМИДХЎЖАЕВ, “DAVO” клиникаси раҳбари

“ Президентимиз ҳозир тиббий хизматларнинг 30 фоизи хусусий сектор томонидан кўрсатилаётгани, илгор ташаббуслар ҳам улардан чиқаётганини таъкидлаб, хусусий шерикликни кенгайтириш бўйича барча тақлифларни кўриб чиқишга тайёрлигини билдиргани хусусий КЛИНИКАЛАР ФАОЛИЯТИГА МУТЛАҚО БОШҚАЧА СТИМУЛ БЕРАДИ.

2025 йил тиббиёт соҳасидаги қизгин ташаббус ва савий-ҳаракатлар йили сифатида ҳам тарихга муҳрланмоқда. Хусусан, шу йил 7 май куни Президентимиз раислигида тиббиётнинг бирламчи бўлини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Унда аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга доир ҳал қилувчи вазифалар белгиланди. Жумладан, “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури бошланиши эълон қилинди. Мана шу ташаббус доирасида қатор салмоқли натижаларга эришилди. Тизимни рақамлаштириш жараёнини давом эттириш, бирламчи бўлини аҳолига яқинлаштириш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш каби йўналишларда қилинган ишлар катта мақсадлар йўлида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди. Бу жараёнда давлат тиббиёт муассасалари билан бирга хусусий клиникалар ҳам фаол иштирок этди. Чунки мақсад муштарак ва ягона — халқимизнинг саломатлигини сақлаш, касалликларнинг олдини олиш ва самарали даволаш орқали сифатли турмуш даражасини таъминлаш. Мана шу мақсад йўлидаги савий-ҳаракатлар самараси ўлароқ Жанубий Корея тажрибасига асосланган, беморни бошдан-оёқ текширувдан ўтказишни назарда тутувчи замонавий даволаш-профилактика тизимини ишга туширдик. Одатда тирикчилик ваки туфайли айрим юртдошларимизнинг соғлиғига эътибор бермагани, касалликнинг охириги босқичидагина шифокорга мурожаат этганини танқид қиламиз. Менимча, бу халқимизнинг чидамлилик, сабр-бардор ва матонат туйғулари билан боғлиқ.

Азалдан бобо-момоларимиз бирор жойи оғриса, дарров етиб олишни ўзига лозим кўрмаган. Фарзандларининг саломатлиги,

бекам-кўст воёга етиши ҳақида қайғурган. Бола-чақаси уйли-жойли бўлган эса уларга иқтисодий жиҳатдан талаб ва истаклари ҳосиласидир. Қолаверса, бу давлатимиз юри-таётган сиёсат нечоғлиқ тўғри ва адолатли эканини кўрсатади.



қайғурмоқда. Биз ишга туширган янги текширув-профилактика тизими мана шундай юртдошларимизнинг талаб ва истаклари ҳосиласидир. Қолаверса, бу давлатимиз юри-таётган сиёсат нечоғлиқ тўғри ва адолатли эканини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10 ноябрь куни тиббиёт ва фармацевтика хо-димлари билан ўтказган учрашуви соғлиқни сақлаш соҳасида аввал берилган топши-риқлар ижросини кўриб чиқиш, эришилган натижаларни мустаҳкамлаш ва аниқланган камчиликларни ҳал қилишнинг самарали усулларини йўлга қўйиш борасида навбат-даги салмоқли қадам бўлди. Президентимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги янгиланиш ва ўсиш кўрсаткичлари хусусида тўхталар экан, фаолиятимизга алоқадор ҳамда бизни руҳ-ланттирадиган муҳим жиҳатини — тиббиётда хусусий сектор улуши ортб бораётганини алоҳида қайд этди. Жумладан, сўнгги сак-киз йилда хусусий клиника ва лаборатория-лар сони 3 қарра кўпайиб, 9000 га, улардаги шифо ўринлари 57 мингга, шунингдек, улар кўрсатаётган тиббий хизмат турлари эса 50 тадан қарийб 130 тага етгани таъкидлан-ди. Бугун хусусий клиникалар давлат ши-фохоналари билан тенгма-тенг туриб, айрим юқори технологик хизматлар бўйича олдин-га ҳам ўтиб кетгани, масалан, жарроҳликда робот технологиялари ҳам биринчилардан бўлиб хусусий секторда қўллангани эътироф этилди. Ҳатто хусусий клиникаларнинг замо-навий аппаратларини самарали ишлатиш таж-рибасини ўрганиш кераклиги қайд этилди.

Бу эътироф ишларимиз бемарар кетмаётгани, юртдошларимиз саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга интилишимиз давлат томон-идан қўллаб-қувватланаётганини ифода-сидир.

Давлатимиз раҳбари қайси соҳа ривож-и ҳақида сўз юритмасин, унда ўтказилаётган ислохотлар марказига халқни рози қилиш масаласини қўяди. Жумладан, мазкур йиғи-лишда ҳам Президентимиз масаланинг шу жиҳатига уруғ бераркан, бундай деди: “Бугун одамларнинг ҳаётга муносабати ҳам, талаб ва

эҳтиёжлари, дунёқараши ҳам тубдан ўзгарди. Бу бошқа соҳалар қатори тиббиётда ҳам си-фатни ошириш, замонавий ёндашувлар олиб кириш бўйича олдимизга янги вазифалар-ни қўймоқда. Шу боис, тиббиётда халқнинг баҳосини эшитадиган тизимни жорий қила-миз”.

Ҳақиқатан ҳам шундай: бугун одамлар-нинг тиббий хизматга муносабати, талаби мутлақо бошқача. Энг илгор ва замонавий муолажа хизматларидан фойдаланишни иста-тайди. Бу эса барча турдаги тиббиёт муас-сасалари жамоасидан илм-фан ютуқлари билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиш, даволашнинг энг самарали услуб ва технологияларини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш, замо-навий текширув, таҳлил қилиш ва тахсиллаш жиҳозларини қўллашни талаб этади. Бусиз ҳеч қайси клиниканинг фаолияти ривожлан-майди ва аҳолининг тиббий хизматларга та-лабини қаноатлантира олмайди. Чунки айни пайтда соҳадagi рақобат ниҳоятда қизгин. Мамлакатимизда тиббий хизматлар сифатини оширишга қаратилган юксак эътибор, бери-лаётган имконият ва имтиёзлар туфайли кли-никалар фаолиятига ҳар кун янгилик кириб келяпти. Даволашнинг янгидан-янги усул-ларини йўлга қўйяпти. Мижозлар ишончини қозонишга қаратилган муттасил савий-ҳара-катлар соҳа ривожланишига ижобий таъсир этапти.

Президентимиз ҳозир тиббий хизмат-ларнинг 30 фоизи хусусий сектор томон-идан кўрсатилаётгани, илгор ташаббуслар ҳам улардан чиқаётганини таъкидлаб, ху-сусий шерикликни кенгайтириш бўйича барча тақлифларни кўриб чиқишга тайёр-лигини билдиргани хусусий клиникалар фаолиятига мутлақо бошқача стимул бе-ради.

Йиғилишда хусусий тиббиёт клиника-ларида кўрсатилаётган хизмат нархлари арзон экани, келгусида ҳам тиббиётда ху-сусий секторни қўллаб-қувватлаш ва уларга қўшимча шароитларни яратиш давом эт-тирилиши таъкидланди. Хусусан, келгуси йилдан тиббий ўсуна, жиҳоз ва тез ёрдам машиналарини олиб кириш бўйича имтиёз 3 йилга узайтириладиган бўлди. Умумий овақтларни корхоналарига ҚҚСнинг бир қисмини қайтариш бўйича берилган имтиёз хусусий тиббиёт ташкилотларига ҳам қўлла-нади. Замонавий кўп тармоқли клиникалар-ни ташкил қилиш ва уларни жиҳозлаш учун тадбиркорларга 200 миллион долларлик имтиёзли ресурс ажратилади. Бу маблағ кел-гуси йилдан бошлаб тадбиркорларга 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан 17 фоиз ставкада берилади. Бу имтиёзлар ниҳоятда катта қўллаб-қувватлов. Уларнинг аҳамяти-ни хусусий клиника раҳбари сифатида мен ва бошқа ҳамкасбларим жуда яхши биламиз. Давлат ниманинг ҳисобидан имтиёз беради?

Албатта, ўз манфаати, даромад манбани бой бериш эвазига. Бу Ўзбекистон ўз халқи-нинг саломатлиги, тансиҳатлиги учун ҳамма нарсага тайёр эканига яққол далилдир.

Учрашувда Президентимиз айтган ота-шин жумлалар юрагимда муҳрлиб қолди: “Мен шифокор эғнидаги ок либосин нафақат касб белгиси, балки Ватанга чекиз садоқат рамзи деб биламан”.

Оқ ранг — поклик, мусаффолик, ҳалол-лик, раҳмдиллик, меҳр-шафқат белгиси. Де-мак, эғнига тиббиёт ходими либосини кийган инсон мана шу фазилатлар қатори Ватанга, халққа, Президентга садоқатини ҳам зимма-сига олган бўлади. Биз жамоамизга профес-сионал, шу билан бирга, эғнидаги либоста муносиб ходимларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратамиз. Чунки шифокор, умуман, тиббиёт нафақат шифо улашувчи, беморлар дардида дармон бўлувчи юксак малакали мутахассис, балки ширинсухан, хушмуола-ла, инсон қадрини биринчи ўринга қўювчи меҳр-шафқат соҳиб бўлиши ҳам шарт. Ўзим гувойи бўлган бир мисолни айтиб бермоқчи-ман. Яқин тарихимизда атрофимиздаги дав-латларда шифокор бўлиб ишлаётган юртдош-ларимизнинг мижози кўп бўлган. Хусусий клиника раҳбари бунинг сабабига қизиқиб қолган. Чунки шифохонадаги бошқа мутахас-сислар ҳам юқори малакали, ҳатто тажриба-ли ҳам. Шунда беморлар орасида сўровнома ўтказилди. Натيجага қаранг: келган хаста-ларга ўзбек шифокорининг хушмуомаллиги, ширинсуханлиги маъқул бўлган экан. Касал оданинг кўнгли ниҳоятда нозик бўлади, сал нарсани ҳам юрагига яқин олади. Бунга яхши билган ва амал қилган шифокорнинг иши икки қарра осон битиди: мижози унга ишона-ди ва хасталикни тез енгади. Ҳамкасбларим билан мулоқотда мана шу ҳақиқатни доим уқтираман.

Айни пайтда мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан яқин алоқалари кун сайин мустаҳкамланиб, дўстона сиёсат самараси юртимиздаги клиникаларга келаётган ми-жозлар сониди ҳам яққол кўринмоқда. Бир-гина бизнинг клиникага 2023 йили қўшни давлатлардан 1861 та, бошқа хорижий мам-лакатлардан 625 та мурожаат бўлган. Жо-рий йилда бу кўрсаткич мос равишда 2328 ва 863 таши ташкил этди. Бу нафақат биз-га, балки ўзбек тиббиётига билдирилаёт-ган ишонч белгиси. Уни оқлаш учун янада қўп ва илмга таяниб, меҳнат қилишимиз, кўп изланишимиз, замонавий медицина ютуқларини фаолиятимизга татбиқ этиб боришимиз шарт. Мамлакатларимиз минта-қанинг тиббиёт хабига айлантириш йўли-даги савий-ҳаракатлар сурати биздан шуни талаб қилмоқда.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАРИ ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Касбий таълим тизими такомиллаштирилиши, ёшларнинг тинимсиз ўзгариб бораётган бугунги меҳнат бозорига мос билим ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг муҳим йўналишидир. Сурхондарё вилоятидаги техникум ва коллежларда кузатилаётган ўзгаришлар мазкур жараён қанчалик зарур ва аҳамиятли эканини кўрсатади. Айни пайтда вилоятда 47 та касбий таълим муассасасида 128 йўналиш бўйича 28 минг 880 ўқувчи-талаба тахсил олмақда. Уларнинг 11 минг 389 нафари хотин-қизлар. Вилоятдаги 32 техникумда 18 та касб бўйича 3210 ўғил-қиз дуал таълим шаклида, яъни ҳам ўқиб, ҳам ишлаб амалиётда тажриба орттирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 23 октябрдаги “Касбий таълим тизимида исло-хотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ушбу муас-сасаларнинг моддий-техник базаси тубдан янгиланмоқда. Шунингдек, техникум ўқув-чиларини бандликка жалб қилаётган тадбир-корларга имтиёз берилмоқда.

Миграция агентлиги томонидан хорижий иш бериувчиларнинг ишчи кучига эҳтиёждан келиб чиқиб, касб ва мутахассисликлар ҳам-да хорижий тилларга ўқитиш бўйича бюрок-ратлар берилди. 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Касбий таълимни ривожлантириш жа-мғармасига техникумларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда касбий таъ-лимни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа тадбирлар учун республика бюджетидан 600 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилади. Қарорга мувофиқ, Музабот тумани поли-техникуми Сурхондарё илгор касбий маҳорат техникумига айлантирилди. Ўқиб даврида амалий машғулотларни илгор касбий маҳор-ат техникумларида ўтайдиган бошқа техни-кум ўқувчилари бепул ётоқхона, озиқ-овқат ва транспорт билан таъминланади. Бу поли-техникумга маҳаллий бюджет ҳисобидан 50 ўринли талабалар турар жойи жиҳозлаб берилиши учун 300 миллион сўм ажратил-моқда. Дарсдан ташқари ёшларнинг вақтини



Янгича ёндашувлар

мазмунли ўтказиш мақсадида турли тўғарак-лар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Муҳими, унлаб касбий таълим дарсларини бир жойда ўтиш имконияти вужудга келди. Шунингдек, дарслар корхоналар билан ҳамкорликда таш-кил этилмоқда.

Бундан ташқари, қарорга кўра, касбий таълим тизимини 2030 йилгача ислоҳ қи-лишнинг асосий мақсади кўрсаткичлари белгиланди. Жумладан, халқро ва қўшма таълим дастурлари жорий этилган техникум-лар сонини камида 250 тага етказиш, 9-синф

битирувчиларининг касбий таълимга қамро-вини амалдаги 29 фоздан 50 фозга, касбий таълим тизимида дуал таълим улушини амал-даги 9 фоздан 40 фозга, касбий сертифи-катга эга ишлаб чиқариш таълими усталари улушини 30 фозга етказиш, хорижда малака ошириш ва стажировка ўташ дастурларида иштирок этган педагогларни 100 нафардан 2500 нафаргача ошириш мақсад қилинган. Миллий рейтингда энг юқори ўринни эгаллаган 50 та техникумнинг ҳар бири база-вий ҳисоблаш миқдорининг 3000 бараварида

Унга кўра, муаллим ва усталар миллий сер-тификат олса, ойлик маошига 30 фоз, хал-қаро сертификат олса, 50 фоз устам қўшиб берилади.

— Кейинги йилларда йўлга қўйилаёт-ган дуал таълим ўқувчи-талабага таълимни ўз йўналишига мос ташкилотда меҳнат қилиш билан бирга олиб бориш имкони-ни беради, — дейди Термиз тумани кури-лиш ва архитектура техникуми директори Ўрол Омонов. — Бундай жараёнда ёшлар 2-3 кун таълим муассасасида назарий, 3-4 кун корхона ва ташкилотларда ҳақиқий иш жараёнида амалий кўникмаларни эгаллай-ди. Дуал таълим шаклида тахсил олаётган ўқувчи-талаба корхона ва ташкилотлар-да ишга қабул қилинганда уларга корхона томонидан устоз бириктирилади ва ойлик маош тўланади. Бугун ушбу тизим Герма-ния, Австрия, Швейцария ва Жанубий Ко-рея каби мамлакатлар иқтисодиётида жуда катта ўринга эга.

Умуман олганда, Сурхондарё вилоятида 2026-2030 йилларда 36 та техникумда кури-лиш-таъмирлаш ишлари бажарилади, 4 та техникум реконструкция қилиниб, 32 таси мукамал таъмирланади.

Касбий таълим тизими янгиланиши, му-тахассислар тайёрлашдаги замонавий ёнда-шувлар, дуал таълим имкониятлари — барча-си ёшлар учун кенг йўл очиб бермоқда. Энг муҳими, техникум битирувчилари ўз йўлини топган, қўлида касби, тажрибаси ва иш жойи мавжуд мутахассислар сифатида меҳнат боз-орига кириб келмоқда. Бу эса юртимиз та-раққиётига навбатдаги муносиб ҳисса бўлиб қўйилади.

Сарвар Тўраев,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Туризм

Қашқадарёнинг ЮКСАЛАЁТГАН САЙЁХЛИК САЛОҲИЯТИ

Шахрисабзнинг устун тарафи — йил давомида саёхатга бориш мумкин. Бунинг учун йўл, коммуникация, меҳмонхоналар қуриляпти. Энди хизмат турларини кўпайтириш ҳақида ўйлаш керак. Масалан, Миракига борган меҳмон вақтини қандай ўтказсади, нималар харид қилади? Шу талаблардан келиб чиқиб, хизматлар таклиф қилиш, бу ернинг табиати ва шароитини чет элларда кенг тарғиб этиш керак деган эди давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига таширларнинг бирида.



Фулум АБДИЕВ,
Ўзвизчлари уюшмасининг
Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари

Президентимиз жорий йилда вилоятга навбатдаги ташири чоғида ҳам айнан Шахрисабз туманидаги Хисор тоғ ёнбағрида жойлашган сайёхлик ҳудудларида бўлди. Бу сафар ислохотлар ижроси, мақсадлар, режалар самараси кўзга яққол ташланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 ноябрдаги “Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида улкан ишлар бажарилмоқда.

Бугун Қашқадарё вилоятида 1468 та моддий-маданий мерос объекти мавжуд. Шундан 1197 таси археологик ёдгорлик, 208 таси архитектура, 35 та монументал, 28 та диққатга сазовор объект.

Китоб туманида шу йилнинг ўзида иккита — Қайнар ва Ҳазрати Башир туризм қишлоқлари ташкил этилди. Биринча Ҳазрати Башир зиёратгоҳига 2024 йилда 135 минг киши зиёратга келган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 150 мингга етди. Уларнинг 25 нафари чет эл фуқароси. Тўғри, хорижий сайёҳлар сони жуда кам, аммо бу манзил туристлар учун эндигина очилганини ҳисобга олиш лозим. Зиёратгоҳга келувчиларга хизмат кўрсатиш учун 120 та хонадонда меҳмон уйи ташкил этилди ва рўйхатдан ўтказилди. Бу билан шу атрофда жойлашган Бодомзор, Койин, Ҳазрати Башир қишлоқларида 120 тадан 150 тагача иш ўрни очилди ва шунча одам иш билан банд бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг мажмур қарори асосида Мираки, Амир Темур, Улоч ва Полмон маҳаллаларида сайёҳлар учун қўлайликлар яратилмоқда. Умумий 240 гектар майдонда 400 миллион долларлик 117 та лойиҳа амалга ошириляпти. Натижда 1700 та доимий иш ўрни очилди.

Пухта ўйланган режага асосан, кафелар, коттеж типидagi дам олиш уйлари, соғломлаштириш ва оилавий дам олиш масканлари, экстрим парк, оромгоҳ, мотель ва туризм комплекслари қуриш учун ер майдонлари аукционга қўйилди. Бугун барнасидида қурилиш ишлари бажарилляпти.

Оқсув дарёсининг икки қирғоғи бўйлаб пйёда ва велосипедда юриш учун ўн километрлик “эко йўлак” ётқизилди. Болалар майдончаси, кўнгулчар боғ, нуронийлар маскани, оилавий меҳмон уйлари ҳамда кўчма савдо шохобчалари маҳалла кўрғида кўрқўшди.



Айниқса, Миракида яқинда фойдаланишга топширилган дор йўли юртдошларимизга ҳам, хорижий сайёҳларга ҳам бирдек экстремал кайфият бахш этмоқда. Бу йирик лойиҳа “Miraki Ropeway” МЧЖ буюртмаси асосида “Gold Step Invest” МЧЖ томонидан амалга оширилди. Лойиҳа қиймати 160 миллиард сўмни ташкил этиб, дор йўли Австриянинг машҳур Doppelmayr Seilbahnen GmbH компанияси томонидан ишлаб чиқарилган. Дор йўли тизимида 7 та мустақам минора, 20 та 8 ўринли Savvates кабинаси мавжуд бўлиб, умумий узунлиги 2084 метрни ташкил этади. У ҳар соатда 660 йўловчини ташиш имкониятига эга.

— Маҳаллаимизда кўз қўриб, қўлак эшитмаган ўзғаришлар бўляпти, — дейди миракилик меҳнат фахрийси Турсун Муродов. — Замонавий меҳмонхоналар, хостеллар, агротуризм объектлари, истироҳат боғлари, дам олиш масканлари, сўхатгоҳлар барпо этиляпти. Ҳамма хурсанд, кайфият кўтаринки.

Дор йўлининг пастки бекатида сувенир дўкони, кафе, тиббиёт пункти, она ва бола хонаси, банккомат, автогураргоҳ, электробилларни қувватлаш станцияси жойлашган. Юқори бекатда эса меҳмонлар учун умумий овқатланиш шохобчаси, болалар ўйин майдончаси, томоша ҳудудлари, селфи учун махсус жойлар ташкил этилган.



— Миракида оилавий дам олиш учун ҳар йил келамиз, — дейди Шаҳло Иззатова. — Лекин бу йил келиб мутлақо танимадик. Жуда катта ўзгаришлар бўлди. Очиғи, вақтимиз қандай ўтганини билмай қолдим. Қайиқда сув омбори бўйлаб саёхат қилиб, дор йўлида юқорига кўтарилдик. Фарзандларим билан бу саёхатдан катта таассурот олдик.

— Нафақат Миракида, балки вилоятимизнинг кўплаб ҳудудидида туризмининг ривожлантириш борасида салмоқли ишлар қилинаёттир, — дейди “Kitob-sayyoh” хусусий сайёхлик корхонаси раҳбари Аҳад Бердиев. — Албатта, бу манзилга кўплаб сайёҳлар келиши учун барча имконият мавжуд. Миракида ҳам сув, ҳам тоғ, ҳам мусаффо ҳаво бор. Табиати ажойиб. Биз мана шу жойларни ҳам тарғиб қилдимиз. Сайёхлик ташкилотлари раҳбари сифатида юртимизда туризм соҳасида қилинаётган ишларни қадрлайман. Бу лойиҳаларнинг ортидан кўплаб иш ўринлари очилляпти, қанчадан қанча хизмат кўрсатадиган жойлар ташкил этиляпти. Мингларча одамлар ишлаш, даромад топиш имкониятига эга бўлмоқда. Илгари меҳмонларни олиб келсак, дарё ва тоғлардан бошқа жойни кўрсата олмадик. Энди эса мақтанадиган жойлар бисёр.

— Миракида оилавий дам олиш учун ҳар йил келамиз, — дейди Шаҳло Иззатова. — Лекин бу йил келиб мутлақо танимадик. Жуда катта ўзгаришлар бўлди. Очиғи, вақтимиз қандай ўтганини билмай қолдим. Қайиқда сув омбори бўйлаб саёхат қилиб, дор йўлида юқорига кўтарилдик. Фарзандларим билан бу саёхатдан катта таассурот олдик.

Бу ободиклар бир қунда барпо этилмади. Бунинг ортида қанча меҳнат, ислохот бор. Wi-Fi нуқталари ташкил этилди, туристик тоифадаги транспорт воситалари хизмати йўлга қўйилди, йўл белгилари ўрнатилди. Қисқаси, бу ҳудуд жаҳон стандартларига мос манзил бўлди. 2024 йил сентябрдан буён ҳафтасига 2 марта Шахрисабз — Тошкент йўналиши бўйича 17 кишилик самолёт қатнови йўлга қўйилган эди. Жорий йил май ойидан АТР 72-600 русумли ҳаво кемалари ҳафтада 4 марта қатналяпти.

2025 йилда хорижий давлатларда тарғибот дастурлари ва “Road show”лар ташкил этиш, туризм форумлари ва ярмаркаларида қатнашиш вилоят туризм салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Маҳаллий туроператорлар билан ҳамкорликда вилоятнинг зиёрат, эко, этно, гастро, тиббиёт ва экстремал туризм йўналишларида 70 га яқин турпакет ўзбек, инглиз, рус тилларида ишлаб чиқилди.

Шахрисабз туманининг Улоч маҳалласидаги 520 гектардан иборат адирда терраса усулида узум, гилос ва олма экилган ҳамда ўрмон барпо этилган. Франциядан энг сара навлар кўчати олиб келиб ўтқазилган. Йилига 7500 тонна маҳсулот етиштириш

имкониятига эга мажмуанинг экспорт қуввати 5 миллион долларга тенг. 100 та доимий ва мингдан зиёд масумий иш ўрни очилган. Кўчатлар ривожини франциялик мутахассис кузатиб боради, ёшларга деҳқончилик сирлари ва бозор талабларини ўргатади. Худудда, шунингдек, 120 ўринли ресторан ва 100 ўринли меҳмонхона қурилган. Агрологистика ва ўқув маркази, қайта ишлаш, сақлаш қувватлари қурилмоқда.

Қамаши туманидаги “Майданак баланд тоғ” ҳудудидида кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Яқин келажакда бу гўзал масканга келувчилар нафақат табиатнинг бетакор манзараларидан баҳраманд бўлиш, балки туристлар юлдузлар ва осмон жисмларини кузатиш, экологик туризм йўналишида дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш имкониятига ҳам эга бўлади.

Майданак мусаффо ҳавоси, беқиёс табиати ва осмоннинг равшанлиги билан сайёҳлар учун бетакор маскандир. Режага асосан астрономия парки, болалар ўйингоҳи, гастрономия объектлари, ресторан ва умумий овқатланиш жойлари, премиум типдаги коттежлар, 1-2 қаватли меҳмонхоналар ва 200 ўринли меҳмонхона ҳамда Глеминг қуриш ишлари учун ер майдонлари аукцион савдосига қўйилиб, қурилиш ишлари бошланган.

Бундай гўзал манзилларни бориб кўриш учун асосий йўللار қайта ётқизилмоқда. “Олмаота — Бишкек — Тошкент — Шахрисабз — Термиз” халқаро автомобиль йўлининг Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидан ўтувчи 60 километрлик қисми тўлиқ қайта қурилмоқда.

Мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад йўл инфратузилмасини замонавий талабларга мослаштириш, транспорт оқимини енгиллаштириш ҳамда минтақавий ва халқаро алоқаларни янада мустақамлашдан иборат.

Айни пайтда қурилиш ишлари жадал бажарилляпти. Қурилишга илгор технологиялар ва замонавий техникалар жалб қилинган. Жараёнда хавфсизлик, сифат ва экологик меъёрларга қатъий риоя этилмоқда. Қурилиш якунлангач, ушбу йўл нафақат минтақадagi транспорт-логистика тизимини енгиллаштириши, балки ҳайдовчилар ва йўловчилар учун янада хавфсиз, қўлай ва тезкор ҳаракатланиш имконини яратяди. Шу билан бирга, иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва ҳудудларaro интеграцияни қучайтиришда ҳам муҳим омил бўлади.

Мазкур қайта қурилиш ишлари Президентимиз томонидан йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, замонавий ва хавфсиз йўللар барпо этиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг амалий ифодасидир.

КИЧИК САҲНАНИНГ КАТТА ВАЗИФАСИ

Навоий вилоятида саноат, ижтимоий соҳалар билан бирга маданий-маърифий жабҳада ҳам янги давр бошланди. Буни вилоят тарихидagi илк театр мисолида ҳам кўриш мумкин. Президентимиз ташаббуси билан 2023 йил 1 июнь кунин болалар театри очилган эди. Шу пайтгача вилоятда бирорта театр бўлмаган. У қисқа муддатда навоийликларнинг севимли масканига айланди. Бу ерда нафақат болалар, ҳатто катталар учун ҳам спектакллар намойиш этилмоқда.

— Театримиз жамоаси мунтазам ижодий изланишда. Жараёнда катта театрлар фаолиятини ҳам ўрганимиз, — дейди Навоий вилояти болалар театри директори Бахриддин Турдиев. — Яқинда Ўзбек миллий кўғирчоқ театрига бориб, тажриба алмашиб қайтдик. Театримизда томошабинлар учун ҳам, ижодкорлар учун ҳам барча шароит яратилган. Катта ва кичик томоша заллари мавжуд. Вилоятда ягона театр бўлгани учун катталарга ҳам спектакллар саҳналаштирилляпти. 2025 йил вилоятимизда “Алишер Навоий йили” деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан буюк шоир бобомиз болалиги акс этган “Алломонинг болалиги” номли спектаклни саҳналаштирдик. Бу асарни Самарқанд, Жиззах ва Бухоро вилояти театрларида ҳам намойиш этдик. Театримиз ижодкорларини кўллаб-қувватлаш мақсадида алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Ҳар чоракда янги спектакль саҳналаштирамиз.

Ижодкорлар доимий равишда рағбатлантириб борилади.

Президентимизнинг 2024 йил 22 ноябрдаги “Театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридида аҳоли маънавияти юксалишида саҳна асарларининг ўрни алоҳида экани қайд этилган. Шу боис, театрда юксак савиядаги саҳна асарлари яратиш, томошабинларни театрға жалб этишига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, отахон театрлар билан ҳамкорлик асосида яратилаётган саҳна асарларини томошабинлар илиқ кутиб оляпти.

— Ҳозир театримиз репертуарида тайёр 12 та спектакль бор, — дейди болалар театри бош режиссёри Акмал Шодиев. — Яқинда тайёрланган “Ун икки ой” спектакли Маданият вазирилик ҳузуридаги бадий кенгаш аъзолари томонидан муваффақиятли қабул

Маданият



қилинди. Бундан ташқари, Навоий ихтисослаштирилган маданият мактаби билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Мактаб ўқувчилари театримида амалиёт ўтади. “Устоз-шогирд” анъанаси эса театр ижодкорларини

тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Аввал пойтахтдаги олийгоҳларнинг режиссура ва актёрлик факультетини тамомлаганлар ҳам вилоятда театр йўқлиги боис, бошқа соҳаларда фаолият юритишга мажбур эди. Театримиз

вилоят ижодкорлари учун ўз соҳасида ишлаш имконини берди. Қолаверса, улар бир жойда жамланиб, ижодий муҳит яратилди.

Театр жамоаси саҳналаштираётган ҳар бир спектакль инсонни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Бу эса ёшлар маънавиятига ижобий таъсир ўтказяди. Ҳозир театр жамоаси олдида катта мақсадлар қўйиб, турли мавзуларда янги спектакллари саҳналаштирмоқда.

Албатта, ҳар лаҳза кичкинтойларда ҳаяжон ва ҳайрат уйғота олиш осон юмуш эмас. Навоий вилояти болалар театри эса бунга эришмоқда. Жамоа иштирокидаги томошалар болалар қалбидида яхшилик, дўстлик, жасурилик, қийин пайтларда ўзгаларга ёрдам бериш каби фазилатларни шакллантиради.

Бундай асарлар яратишнинг эса ўзига яраша машаққатли жиҳати бор. Уста ҳунармандлар спектаклдаги образларга мос кўғирчоқлар ясади, дизайнерлар эртак қаҳрамонлари учун махсус либослар тайёрляди.

Эскизлар чизилади. Бадий кенгаш тасдиқлагандан кейин мато танланади, образ ўйланади. Ҳар бири учун мутахассислар ишлайди. Либослар тайёрланади. Битта кўғирчоқ тайёр ҳолатга келгунча 20 га яқин мутахассис ишлайди. Актёр иш жараёнида уларни “жонлантиради”. Рассом билан актёр ҳамкорликда ишлайди. Масалан, актёр кўғирчоқнинг бир жойи ҳаракатланишга ноқулайлигини айтса, рассом уни қайта кўриб чиқяди.

Болалар театри бугун том маънода маънавий уйига айланди. Бу ер нафақат болалар, балки бугун навоийликлар учун маърифат майдони, маданий ҳордиқ чиқариш маскани бўлиб хизмат қилляпти.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЕЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА Ўқиш учун МАЗКУР QR-КОДИН САҚАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1246. 34211 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Махмудов
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 21:05 Топширилди — 22:55